

ИСЛОМДА ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИ МАДАНИЯТИНИНГ ЎРНИ

THE PLACE OF THE CULTURE OF FAMILY AND MARRIAGE RELATIONS IN ISLAM

ТошДТУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси
F.f.d (PhD) Дехқонов Маҳмудали Роҳаталиевич

Аннотация. Мазкур мақола мавзуси ҳозирги кунда жамиятимиздаги энг долзарб ижтимоий масалларидан бири. Чунки ҳар бир оила ва никоҳ муносабатлари маданияти асосида қурилади. Оила мустаҳкамлиги жамият барқарорлиги, тинчлиги, осойишталигини таъминловчи муҳим омил эканлиги ёритилган.

Таянч сўзлар: авлод, одат, ахком, маросим, мерос, ҳак-хукуқ, насл, ҳаром, имон

Abstract. This article is one of the most culmination issues in our country today. Each family is built on the culture of marriage. This article demonstrates that family solidarity is an important factor that ensures stability peace well-being of the community.

Тема статьи посвящена одной из важных социальных проблем нашего времени поскольку каждая семья строится на основе культуры брачных отношений. В статье показано что прочности семьи является важным фактором обеспечивающим мир и стабильности в обществе.

Оилавий муносабатлар маданиятини ривожланиши ижтимоий тараққиётнинг узлуксиз жараёни хисобланиб, у жамият босқичларидағи маънавий-ахлоқий, диний-маданий, сиёсий-иктисодий ривожланиш даражаси билан боғлиқ ҳолда кечган. Олимларнинг фикрига кўра, оила-маданий мерос, ахлоқий нормалар ва анъаналарни ташувчи умуминсоний қадриятнинг нодир

ижтимоий бирлиги бўлиб, ҳозирги шароитда нафақат унинг шахс маънавий маданиятининг ривожланишида, балки жамият ривожи учун ҳам аҳамияти ортиб бормоқда.

Оиланинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келган икки тамойилни кўрсатиш лозим: биринчиси, одамлар яшаш учун бирлашиб, моддий неъматлар ишлаб чиқариш эҳтиёжи; иккинчиси, насл қолдириш йўли билан ҳаётни давом эттиришга интилиши. Бу иккала тамойил инсон маънавиятини такомиллаштиришни тақозо этиб, ижтимоий ҳаёт тажрибаси орқали амалга ошган. Бу жараёнларда асосий ҳал қилувчи омил ижтимоий бирлик ҳисобланиб, шу асосда моддий неъматлар яратиш такомиллаштирилган.

Оила ижтимоий бирлик тизимида нисбатан мустақил ҳодиса ҳисобланса-да, жамият тарихий тараққиётида мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий омиллар тобора муҳим аҳамият касб этиб борган. Оила ва жамиятнинг тадрижи ҳар доим бир-бири билан боғлиқ равища амалга ошган. Шу сабабли оила қуришнинг биологик сабаблари бир хил, аммо ижтимоий моҳияти, шакллари тез такомиллашиб, ўзгариб турган. Никоҳ барча давларда ҳам ҳақиқий оиланинг такомиллашуви ва ривожланишига маънавий, ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Никоҳ янги қурилаётган оилани давлат, жамият томонидан расмий равища танолинишидир. Шу сабабли ҳам никоҳни қайд этиш давлат органларининг вазифаларидан бири бўлган, унинг меъёр ва мақсадлари қонунлар билан белгиланган. Барча диний таълимотларда никоҳнинг шакли ва мақсадлари масаласига бефарқ қаралмаган. Никоҳнинг бекор қилиниши эса, давлат томонидан қайд этилган, унинг ахлоқий, ҳуқуқий меъёрлари белгилаб қўйилган.

Ислом манбаларида оиланинг ташкил бўлиши, мазмун-моҳияти, оила муносабатлари маданиятига оид кўрсатмалар, талаблар ўз ифодасини топган. Никоҳ – арабча сўз бўлиб, қўшилиш деган маънени англатади.¹ Бу фақат жисмоний жуфтлашиш эмас балки маънавий муштараклашишдир. У ижтимоий ҳодиса бўлганлиги учун гувоҳлар иштирокида амалга оширилади. Бурхониддин Марғиноний ёзишича: "Билгинки, никоҳ бобида гувоҳлик

¹ Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. –Тошкент: Адолат, 1995. Б-19.

шартдир", чунки Расулуллоҳ (с.а.в.): "Гувоҳларсиз никоҳ никоҳ эмас", деганлар.²

Ислом дини тарғиб қилған оила маданияти жоҳилия даврида ҳукм сурған оиласи муносабатлардан тубдан фарқ қиласи. Агарда жоҳилия даврида аёлларнинг оиласидаги ҳуқуқлари умуман паймол қилинган ҳолда эркак ҳолаганича хотин олиш (15-20 та, ундан ҳам кўп) ҳуқуқига эга бўлган бўлса, ислом манбаларида бу масалалар муайян даражада тартибга солинди. Исломга асосланиб қуриладиган оиласидар янгича мазмун, янгича шакл касб эта бошлади. Қарийиб 1,5 минг йил давомида исломга эътиқод қилувчи халқлар исломий никоҳ асосида оила қурадилар ва шу давр ичида оила муносабатлари маданияти шаклланиб, мазмуни бойиб борди.

Оила хусусидаги қарашлар Қуръони карим, ҳадиси шариф, шариат аҳкомларида ёрқин ифодасини топган. Оила қуриш ҳақида Қуръоннинг "Нисо", "Талоқ" ва бошқа суралари бағищлангани бундан далолат беради. Жумладан, "Нисо" сурасида оила қуриш қатъий никоҳ асосида бўлишини таъкидлаб шундай дейилади. Эй, имон келтирганлар! Сизларга хотинларни мажбурий равишда мерос қилиб олиш ҳалол эмасдир³.

Исломда оиласи муносабатлари эр-хотин бурчлари ҳақида "Хидоя"нинг ва "Никоҳ ва талоқ китоби"да ўз ифодасини топган. Жумладан, "Хидоя"да оила ва никоҳ масаласида адолатнинг асосий мезонлари сифатида инсоф ва диёнат, ҳаромдан ҳазар қилиш, поклик каби эзгу тушунчалар инобатга олинган. "Хидоя"да оила ва никоҳ масаласида катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳукмлардан бири аёлнинг никоҳ тўғрисида ўзининг қандай ҳақ-хуқукларга эга эканлиги муҳим бўлган: "никоҳнинг асл моҳияти ҳақида илм бўлишилиги, эркак ва аёлнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ахлоқий жиҳатларидан мумкин қадар бир-бирларига тенг бўлишлари муҳим шартлардан деб қаралади. [10:675].

Никоҳ оиласининг таянчи, насл-насабини, поклигини сақловчи, оиласи соғлом муҳитни пайдо қилувчи, инсон ахлоқ-одобини ушлаб турувчи

² Бурхониддин Ал-Марғиноний. Ҳидоя. –Тошкент: Адолат, 2001. Т.1. ББ-647-648.

³ Қаранг: Қуръони карим Маъноларнинг таржимаси ва тафсири Абдулазиз Мансур. -Тошкент: Ислом университети, 2007. 4- сураси, 19-оят.Б-80.



муқаддас нарса бўлганлигидан ислом манбаларидан бўлмиш Қуръони каримда унга катта аҳамият берилган.

Никоҳ ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун оила қуришда кўлланиладиган зарурий шаръий амал ҳисобланади. Ҳатто оила қуришга моддий имконияти бўлмаган кишиларни ҳам оиласи қилиб қўйишга даъват этилади.

Масалан, Қуръони каримнинг Нур сурасининг 32- оятида шундай дейилади: "Сизларнинг орангиздаги тул (эркак ва аёл) ларни ҳамда қул ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантирингиз! Агар (улар) камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва доно зотдир".⁴ [3:77].

Жамиятнинг таянчи бўлган оила муносабатлари маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини тадқиқ этишда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, маънавий ҳаётнинг таъсирини инобатга олиш билан диний (исломий) омилни ҳисобга олиш ҳам зурур. Ҳозирги истиқлол даврида баркамол ёш авлодни тарбиялашдан фақат ота-она, балки жамоатчилик фикри, маҳалла-кўй таъсири ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Оилада янги инсон шаклланади, маънавий, жисмоний камолга етади. Шунинг учун ҳам истиқлол даврининг энг муҳим вазифаларидан бири–мустаҳкам оиласи яратишдир.

Ислом дини кенг тарқалган Ўзбекистонда тарихан ўзбек оиласининг ривожланиши босқичлари исломий таълимотлар таъсирида ўтган. Миллий ва исломий қадриятлар асосида ёшлар тарбиясида, бир томондан, ота-оналар билан болалар ўртасида меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат шаклланган, иккинчи томондан, ота-оналар ҳам ўз болаларини элда имон-эътиқодли, жонкуяр, меҳрибон, меҳнаткаш, инсофли, виждонли кишилар қилиб тарбиялашга эътибор қаратганлар. Яхши тарбия кўрган бола ота-онага ҳамкаттаиззат, ҳурмат келтиради.

Ислом манбалари Қуръони карим ва ҳадиси шарифда оила, никоҳ, фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбек оиласида қадимдан бошлаб таълим-тарбия анъанаасига риоя қилинган. Исломда оиладаги тарбияда


⁴ Ўша жойда. 24- сура, 32 –оят. Бу ердаги буйруқ катъий эмас, балки мандубдир, яъни қилса савоб, қилмаса гуноҳ бўлмайди. Б-354.

фарзандлар соғлом бўлиб ўсишиҳисобга олинади, инсонларнинг молига, жонига, обрўйига путур етказадиган нарсаларни харом деб ҳукм қилинади. Ёшлар ҳалол меҳнатга ўргатилиб, ҳалол билан ҳаромни ажратиб жамиятда ўз ўрнини топиш ва тўғри йўлга солиш учун ҳадис, Куръони карим кўрсатмаларига амал қилинади. Куръони каримда: "Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатдан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўрталарингизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиласидиган кишилар учун аломатлар бордир", дейилади. Бундай даъватларга мусулмон оилалари тарихан риоя қилиб келган. Ота-онанинг ўз болаларига ғамхўрлик қилиши, ўзбек халқи анъаналарида катта ўрин олган. Бундай оилаларда ўсган болалар маънавиятида меҳнатсеварлик, ота-оналарига, ака-укаларига меҳрибон бўлишдек фазилатлар шаклланади. Оила муносабатлари маданиятининг ислом таълимоти асосида шакллантириш Куръони каримнинг қатор оятларида, ҳадиси шариф ва шариат аҳкомларида ўз ифодасини топган ва уларга риоя қилган мусулмонлар ислом маънавиятига эга бўлганлар. Улар: ота-онага яхшилик қилиш, қариндошлар билан мунтазам алоқада бўлиш ва уларни хурсандчилик ёки мусибат маросимларида иштирок этиш, дўстлар ва қўшнилар билан яхши муносабат ўрнатиш, саломлашиш ва алик олиш, бегона хонадонга киришдан аввал изн сўраш, келган одамга ёнидан жой бериш, ширин муомала қилиш, харом ва ёмонликдан сақланиш, бир-бирларига яхшиликни ўргатиш, имонли, эътиқодли бўлиш, мусибатларга сабр қилиш, ростгўй ва ҳалол кишиларни хурмат қилиш, хато қилган кишиларни кечириш каби фазилатлардир. Бундай ўзбек халқи менталитетига хос хусусиятлар нафақат исломий қадриятларни, балки миллийликни ҳам қамраб олган ҳолда маънавиятни бойитишга хизмат қилган.

Бундай кўрсатмалар исломга, ҳадиси шариф, шариат аҳкомларида ўз ифодасини топган. Умуман олганда исломда оила ва никоҳ муносабатлари маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихий илдизларидан иборат бўлиб, ҳар бир инсоннинг тўғри оила қуришга, унинг хуқуқий мезонини тўғри белгилаб беради. Шунинг учун никоҳ оиланинг асосий меъёрий хужжати деса бўлади. Холоса қиласидиган бўлсақ, Куръони карим ва ҳадиси шарифлардан кўпроқ фойдаланиш хозирги кунимизнинг, оиланинг мустаҳкам бўлишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Қаранг*: Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг хукуқий тартибга солиниши. –Тошкент: Адолат, 1995. Б-19.
2. Бурхониддин Ал-Марғиноний. Ҳидоя. –Тошкент: Адолат, 2001. Т.1. ББ-647-648.
3. Куръони карим Маъноларнинг таржимаси ва тафсири Абдулазиз Мансур. Тошкент: Тошкент Ислом университети, 2007. 4 - сураси, 19-оят.Б-80.
4. Ўша жойда. 24- сурा, 32 –оят. Бу ердаги буйруқ қатъий эмас, балки мандубдир, яъни қилса савоб, қилмаса гуноҳ бўлмайди. Б-354.



Research Science and Innovation House